

Савда бинти Замъа розияллоҳу анҳонинг фазллари



11:20 / 02.02.2019 3628

III

Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳо уч йилдан кўпроқ ўзлари ёлғиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга хотин бўлиб турдилар. У киши ўз ҳолларини ўзлари яхши билар эдилар. Ёшлари бир жойга бориб қолган эди. Шу билан бирга, эркак кишини жалб қиладиган тарафлари ҳам йўқ эди.

Савда бинти Замъа онамиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини Аллоҳ таолонинг дини йўлида кўрган машаққатларини тақдирлаб, никоҳларига олганларини яхши билар эдилар. Бунинг устига, у киши бева қолиб, оғир аҳволга тушиб қолган эдилар. Албатта, бу омил ҳам

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътиборларидан четда қолмаган бўлса керак.

Савда бинти Замъа онамиз Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга тўлиқ маънодаги хотин бўлишдан кўра, уйга, қизларга қараб турадиган киши бўлишга муносиброқ эканликларини яхши ҳис этар эдилар. Шу ва шунга ўхшаш омиллар кўп эди. Аммо Савда бинти Замъа онамиз учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хотинлари деган номнинг ва у зотнинг яқинларидан бўлишнинг ўзи катта саодат эди.

Имом Заҳабийнинг васф қилишларича, Савда бинти Замъа онамиз саййида, жалила ва шарифа бўлиш билан бирга, катта жуссали ҳам эдилар. У кишининг кичик Фотимага қарашда, уй ишларига уринишда ўнғайсизланишларини кўриб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам табассум қилиб қўяр эдилар.

Савда бинти Замъа онамиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга уйда қолганларида Ҳабашистонда кўрганларини гапиришни яхши кўрар эдилар. Чунки ўша пайтда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя розияллоҳу анҳо эри Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу билан бирга Ҳабашистонда эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни эслашни ва улар ҳақида тинглашни ёқтирар эдилар.

Вақти соати келиб, Руқайя розияллоҳу анҳо ҳам Ҳабашистон ҳижратидан қайтиб келдилар. Сингиллари у кишининг қаршиларига йиғлаб чиқдилар. Оналари Ҳадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳони эсладилар. Узоқ сафардан қайтган Руқайя розияллоҳу анҳони оналари ўрнида Савда бинти Замъа онамиз розияллоҳу анҳо кутиб олдилар. У киши барча имконларини ишга солиб, уйдаги камчиликни тўлдиришга ҳаракат қилар эдилар.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан